

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
“Уйчи туман ҳокими”

1-үринбосари

Д.Нурматов

«08» 08 2022 й

Уйчи туман ҳокимлиги биносининг ички хоналари, кириш чиқиши заллар ва меҳмонхона биносини ички ва ташки хоналарини ҳамда том қисимларини жорий таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг яхши талабгор таклифни танлаб олиш бўйича

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

| № | Асосий маълумотлар                      | Бажарувчи  |
|---|---|--|
| 1 | Объект номи                             | Уйчи туманидаги ҳокимият биносини жорий таъмирлаш учун маҳаллий маҳсулотлардан қайта ишлаб чикариб арzon ва сифатли қурилиш материалларини етказиб берувчиларни энг яхши таклифларини танлаб олиш.   |
| 2 | Буюртмачи                               | Уйчи туман ҳокимлиги   |
| 3 | Буюртма учун асос                       | Туман ҳокимлиги биносини жорий таъмир талабдалиги  |
| 4 | Жойлашган манзили                       | Уйчи тумани А.Темур кучаси 62-үй   |
| 5 | Қатнашувчи учун талаблар                | 1. Жалюзи оконные 5 м <sup>2</sup> 450 000 сўмдан 2250 000 сўм   |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби           | Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган товар моддий қийматликлар хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан етказиб берилган товар моддий қийматлик учун КҶС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан <b>2 250 000</b> (Икки миллион икки юз эллик минг) сўмлик қурилиш моллари сотиб олиш режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури                                 | Буюртма асосида қурилиш моллари сотиб олиш.  |
| 8 | Курилиш молларини етказиб бериш муддати | 2022 йил 20 августгача   |

|   |                      |                      |
|---|----------------------|----------------------|
| 9 | Молиялаштириш манбаи | Уйчи туман хокимлиги |
|---|----------------------|----------------------|

## Уйчи туман хокимлиги

## Туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси

А.Эшанов

## **Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.**

Ҳарид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг қуидагиларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

**Танлов таклифларини ҳамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш  
критерийлари**

| №  | Критерийлар номи, мазмуни  | Форма | Энг юқори балл | % хисобида |
|----|--|-------|----------------|------------|
| 1. | Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати  |       | 10             | 80%        |
| 2. | Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот   |       | 10             |            |
| 3. | Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома хужжатлар нусхалари                            |       | 10             |            |
| 4. | Молиявий кўрсаткичлари   |       | 20             |            |
| 5. | “Инсофсиз ижрочилар” ягона реестрида эмаслиги  |       | 10             |            |
| 6. | Иш хаки, солик ва бошқа давлат мажбурий тўловларидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги |       | 20             |            |

Туман хокимлигининг  
бош хисобчиси

А.Эшанов

## «ТАСДИКЛАЙМАН»

## “Уйчи туман ҳокими”

### 1-үринбосари

Д.Нурматов

2022 ū

ИТАЛЫСА ЙОЛДЫЗ БҮЮРТМАЧИ: АР ВОЛМАД

## «Уйчи туман» Хокимияти

Уйчи туман хокимлиги биносининг ички хоналари, кириш чиқиши заллар ва меҳмонхона биносини ички ва ташқи хоналарини ҳамда том қисимларини жорий таъмирлаш ва қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг яхши талабгор таклифини танлаб олиш.

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

# **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

## **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Уйчи туман хокимлиги биносини жорий таъмирлаш захира жамғармаси маблағлари хисобидан қурилиш материаллари сотиб олишга жамғарма маблағлари хисобидан олинган қурилиш материалларини хокимият ўз кучи билан жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва қурилиш материалларини сифатли етказиб берувчини танлаб олиб энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – **2 250 000 сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун олинадиган қурилиш материаллари билан таъминловчи ўртасида тузилган шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кун.

1.4. Материаллари етказиб бериш муддати–буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **“Уйчи туман” Хокимлиги** (бундан кейин–“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи тумани, А.Темур кўчаси, 62-уй

Эл.адрес:[uchituman@uzex.uz](mailto:uchituman@uzex.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда таъминотчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги талаблар кўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ўзимизни маҳаллий маҳсулотлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариб сотиш, ишлаб чиқариш бўйича мутахассисларни борлиги ҳамда қурилиш материаллари сотиш учун дукони мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёкат ва ваколатлар;

-танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштрилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

\* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

\* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

#### **4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:**

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- \* Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухирланагн ҳолда;

#### **4.5. Танлов иштирокчиси:**

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### **6. Бошқа шартлар**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътибор камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўtkазиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтиш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюритмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб бориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартираслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон килинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

6.6. Корхонанинг охирги уч йиллик молиявий аҳволи.

6.7. Объектнинг буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нархининг 20% дан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағларни мавжудлиги.

6.8. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги З йиллик иш тажрибаси.

6.9. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлар рўйхати.

## **Танловга тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати**

1. Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати;
  2. Танлов иштирокчиси түгрисида умумий маълумот;
  3. Давлат рўйхатидан ўтганлиги түгрисида гувоҳнома хужжатлар нусхалари;
  4. Молиявий кўрсаткичлари;
  5. “Инсофиз изрочилар” ягона реестрида эмаслиги;
  6. Иш хаки, солиқ ва бошқа давлат мажбурий тўловларидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги.

## Туман хокимлигининг бош хисобчиси

А.Эшанов